

**ТУРКИЯНИНГ ҲАРБИЙ СИЁСАТИ ВА МАХСУС
БЎЛИНМАЛАР ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ**
ВОЕННАЯ ПОЛИТИКА ТУРЦИИ И ФОРМИРОВАНИЕ
СИСТЕМЫ СПЕЦИАЛЬНЫХ ПОДРАЗДЕЛЕНИЙ
MILITARY POLICY OF TURKEY AND THE FORMATION OF
THE SYSTEM OF SPECIAL UNITS

Азимов Сухроб

ИИБ минтақавий ўқув маркази мутахасиси

Аннотация. Ушбу мақолада Туркия Республикасининг Махсус кучларининг вазифалариб унинг тузилишиб ривожланиши, Туркиянинг ўтмишда ва бугунги кундаги ҳарбий сиёсати, НАТО тизимида Туркия қуроли кучларининг ўрни, НАТО стандартлари бўйича ривожланиши, махсус кучларининг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти илимий таҳлил қилинган ва илмий хулоса, таклифлар берилган.

Калит сўзлар: Жандармерия, соҳил кучлари, махсус кучлар, Махсус Бошқармаси, НАТО стандартлари, ЖЎАК, ички хавфсизлик, Полиция махсус ҳаракат бўлинмаси, “Греэн Беретс”.

Аннотация. В данной статье рассматриваются задачи Сил специального назначения Турецкой Республики, их становление и развитие, военная политика Турции в прошлом и настоящем, роль Вооруженных сил Турции в системе НАТО, развитие по стандартам НАТО, роль и значение сил специального назначения в обеспечении общественной безопасности, приводятся научные выводы и предложения.

Ключевые слова: Жандармерия, береговые войска, спецподразделения, Специальный директорат, стандарты НАТО, JOAK, внутренняя безопасность, полицейское спецподразделение, «Зеленые береты».

Abstract. In this article, the tasks of the Special Forces of the Republic of Turkey, its formation and development, the military policy of Turkey in the past and today, the role of the Turkish armed forces in the NATO system, the development according to NATO standards, the role and importance of the special forces in ensuring public security, scientific conclusions and suggestions are given.

Key words. Gendarmerie, Coastal Forces, Special Forces, Special Directorate, NATO standards, JOAK, Internal Security, Police Special Forces, Green Berets.

Бугунги кунда дунёдаги геосиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, янги таҳдидлар ва хавфларнинг ошиши, шунингдек, жамоат хавфсизлиги масалалари бугунги кунда халқаро миқёсда долзарб мавзу бўлиб қолмоқда.

Бунинг натижасида, давлатларнинг ички ва ташқи хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш масалаларига янада катта эътибор қаратилмоқда. Ҳарбий хизматчиларнинг жамият хавфсизлигини таъминлашдаги роли, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини такомиллаштиришни талаб қилади.

Жаҳонда жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибини сақлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, Туркия давлати ўзларининг ҳарбий ҳуқуқий тизимлари ва жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги ёндошувларида кўплаб ўзига хос жиҳатларни намоён этмоқда. Бу давлатлар ўзларининг ҳарбий хизматчиларини ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимларини самарали бошқариш, уларга ижтимоий, ҳуқуқий ва молиявий қўллаб-қувватлашни таъминлаш борасида муҳим тажриба тўплаган. Шунинг учун, бу икки давлатнинг тажрибасини ўрганиш ва уларнинг ёндошувларидан фойдаланиш, Ўзбекистонда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасида ҳам ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий ҳимоясини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар доирасида жаҳон тажрибаси, айниқса Туркия тажрибаси асосида, янги қонунчилик нормативларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш зарурияти юзага келмоқда. Ҳарбий хизматчилар ҳуқуқий ҳимоясини такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашда Хитой ва Туркия давлатларининг ёндошувларини ўрганиш ва Ўзбекистон Республикасида амалиётга тадбиқ этишни назарда тутди.

Маълумки, ҳар қандай фаолиятнинг асоси тушунчалар тизимидир. Жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлиги соҳасидаги фаолиятни батафсил урганиш, биринчи навбатда, “жамоат тартиби” ва “жамоат хавфсизлиги” тушунчаларининг мазмунини аниқлашни талаб қилади.

В.Т.Хамроевнинг фикрича “Жамоат хавфсизлиги - бошқа одамлар ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш, мансабдор шахслар ёки айрим фуқароларнинг айби билан боғлиқ бинолар, иншоотларнинг вайрон бўлиши ёки шикастланиши натижасида бошқалар учун хавф тугдириши мумкин булган оқибатларнинг олдини олиш мақсадида давлат томонидан белгиланган махсус ташкилий-техник қоидаларга қатъий риоя қилиш ва амалга оширишга асосланган муносабатлар тизимидир”².

Фикримизча, В.Т.Хамроевнинг “Жамоат хавфсизлиги” тушунчасига берган таърифи жамоат хавфсизлиги тизимини модиятини тулақонли қамраб олмаган. Зеро, “Жамоат хавфсизлиги” тушунчаси узида жамиятнинг асосий негизи ҳисобланган ижтимоий муносабатлардаги инсонларнинг, жумладан жисмоний ва юридик шахсларнинг, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг жамиятнинг ҳар қандай соҳасида дахлсизлигини таъминлайдиган, шунингдек,

мамлакатда хавфсиз яшаш шароитларини яратишни уз ичига оладиган ижтимоий муносабатларни шакллантириш жараёнларини камраб олган бўлиши лозим[2.].

Австриялик олим И.Петерс “Жамоат хавфсизлиги деганда шахс томонидан жамиятда юриш-туришнинг барча тартибга солинган ва ёзилмаган қоидаларига риоя қилиши, шунингдек давлат ва фуқароларнинг узаро бир маконда фаолият юритиши ва яшашининг асосий шарти булган қоидаларнинг мажмуи тушунилади” деган тушунча берган.

Туркия Республикаси қуролли кучлари (*Türk Silahlı Kuvvetleri – ТСК*) мамлакатнинг сиёсий мустақиллиги ва геосиёсий хавфсизлигини таъминловчи асосий институтлардан бири ҳисобланади. Жанубий Европа, Кавказ ва Яқин Шарқ геосиёсий тугунларининг марказида жойлашгани боис Туркия ҳарбий доктринаси доимо ташқи ва ички таҳдидларга ҳушёр туришга асослангандир.

Тарихан, Туркия армияси Усмонийлар давлати ҳарбий анъаналарининг давомчиси сифатида шаклланган бўлиб, XX асрнинг бошларидан бошлаб модернизация ва институционал ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириб келди. 1952 йилда Туркиянинг НАТОга аъзо бўлиши мамлакатнинг ҳарбий тизимида туб бурилиш нуқтасини яратди: янги стандартлар, қўшинларни жойлаштириш концепциялари, командирлик тизими ва ҳарбий қонунчилик босқичма-босқич Евроатлантик талабларга мослаштирилди.

1980–1990 – йиллар даврида Туркия армияси учун ички хавфсизлик муаммолари билан белгиланади. Террористик гуруҳлар, айниқса ПҚК фаоллигининг ортиши Туркияни янги тактик ёндашувларни жорий қилишга, махсус бўлинмаларни кучайтиришга мажбур қилди.

2000-йиллар модернизацияси даври бошланди дейиш мумкин. Бу давр албатта янгиланиш ва замонавийлашиш даври бўлди.

2000–2010 йиллар даврида Туркия армиясида туб ўзгаришлар содир бўлди.

Хусусан бўлар қуйдагилар эди:

- Профессионал хизматга ўтиш жараёни бошланди.
- Замонавий қурол-яроғ, бронетехникалар, дронлар ишлаб чиқаришга уриниш кучайди.
- НАТОнинг янги стандартлари интеграция қилинди.

Бу ислохотлар ҳарбий функцияларнинг аниқ тақсимланиши, командирлик вертикалининг соддалашуви ва махсус кучларга талабнинг ортиши билан яқунланди.

2016 йилдан кейинги босқичда ҳам Туркия Республикаси Қуролли кучлари ва Махсус кучларида муҳим ўзгаришлар юз берди.

2016 йил 15 июлда содир бўлган тунтаришларга ўриниш воқеаларидан сўнг Туркияда ҳарбий тизим тўлиқ қайта шакллантирилди дейиш мумкин. Қуролли кучлар хавфсизлик ислохотларининг муҳим элементларига айланди.

Шунингдек, Махсус кучлар фаолияти вақтинчалик қайта ташкил этилди;

Полис ва жандармерия махсус бўлинмалари ролини ошириш бўйича қарорлар қабул қилинди;

Ҳарбий таълим муассасалари Миллий мудофаа университетига бирлаштирилди;

Терроризмга қарши операцияларда янги тактик концепциялар ишлаб чиқилди.

Натижада Туркия армияси ХХИ аср талабларига мос, тезкор ҳаракатланувчи, замонавий технологияларга таянадиган ва асимметрияли жанговар муҳитга мослашган ҳарбий тизимга айланди.

Туркияда махсус бўлинмалар бир нечта асосий тузилмалар таркибида фаолият юритади. Улар автоном функцияларга эга бўлиб, ички хавфсизликдан тортиб, минтақавий операцияларгача бўлган кенг доирадаги вазифаларни бажаради.

1) Өзел Кувветлер Комутанлиғи (ӨКК) – Туркия Қуролли Кучлари Махсус Бошқармаси.

ӨКК — Туркия армиясининг энг элита бўлинмаларидан бири ҳисобланади. Очик манбаларда бу бўлинманинг вазифалари қуйидагилар билан изоҳланади:

- Стратегик аҳамиятга эга операциялар;
- Чуқур разведка;
- Асимметрияли жанговар ҳаракатларда иштирок;
- Терроризмга қарши махсус амалиётлар;
- Чегара ортидаги махсус вазифалар;
- Қўшинларни ўқитиш ва халқаро миссияларда иштирок.

Бу бўлинма НАТО стандартларига мос тарзда тайёрланади ва кўп ҳолларда Туркиянинг ташқи ҳарбий стратегиясининг асосий элементи ҳисобланади.

2) Жандарма Өзел Асайиш Комутанлиғи (ЖӨАК)

Жандармерия миллий гвардия вазифасини бажаради ва унинг махсус бўлинмаси — ЖӨАК — ички хавфсизликда муҳим ўринга эга:

Қийин шароитларда қидирув-қутқарув;

Терроризмга қарши операциялар;

Тоғли ва оғир географиядаги амалиётлар;

Тактик рейдлар ва айниқса “юқори хавфли ҳудудлардаги” операциялар.

ЖӨАК фаолияти ички хавфсизлик, уруш вақтидаги махсус вазиятлар ва қўшинларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ.

3) Полис Өзел Ҳарекат (ПӨҲ) – Полиция махсус ҳаракат бўлинмаси

ПӨҲ асосан шаҳар шароитида, юқори хавфли операцияларда иштирок этади:

Террористик ҳужумларни бартараф этиш;

Шаҳар муҳитида тактик рейдлар;
 Гаровга олинганларни озод қилиш;
 Оммавий хавфсизлик ҳодисаларида махсус вазифалар.

ПÖХ Туркиянинг шаҳар антитеррор стратегиясининг асосий тактик қуролидир.

Туркия Республикасининг ҳарбий сиёсати ва махсус бўлинмалар тизимининг шаклланиши тарихий, геосиёсий ва хавфсизлик омилларининг ўзаро таъсирида ривожланиб келган мураккаб жараёндир. 1-бобда амалга оширилган таҳлил шуни кўрсатадики, Туркия ҳарбий тизими анъанавий армия моделидан замонавий, тезкор, асимметр кураш шароитларига мослашган, технологик жиҳатдан илғор ва юқори тайёргарликка эга қуроли кучлар тизимига айланган.

Туркия армияси 1952 йилда НАТОга аъзо бўлганидан сўнг Евроатлантик ҳарбий стандартларини қабул қилиш орқали ўз доктринаси, тактик ёндашувлари, қўмондонлик тизими ва ҳарбий таълим моделларини тубдан ўзгартирди. Айниқса 1980–2000 йиллардаги ички хавфсизлик муаммолари – терроризм ва сепаратизм таҳдидлари – махсус бўлинмаларнинг ривожланишини тезлаштирди. Бу даврда Туркия махсус кучларининг тактикаси, жанговар тайёргарлиги ва вазифалар доираси сезиларли даражада кенгайди.

Ўтган 20–25 йилда амалга оширилган ҳарбий ислохотлар, жумладан профессионал армияга босқичма-босқич ўтиш, ўқув тизимлари модернизацияси, янги технологиялар (айниқса дронлар)ни интеграция қилиш ва қўмондонлик вертикалини оптималлаштириш махсус бўлинмаларнинг жанговар имкониятларини янада мустаҳкамлади.

Туркиянинг махсус бўлинмалари — ÖKK, ЖÖАК ва ПÖХ — функционал жиҳатдан турли вазифаларни бажарса-да, уларнинг барчаси умумий концептуал асосга эга:

юқори тезкорлик,
 фавқулодда шароитларда ҳаракатланиш қобилияти,
 асимметрияли ва гибрид таҳдидларга мослашганлик,
 тактик разнообразлик,
 разведка ва технологик қўллаб-қувватлашнинг кучли интеграцияси[4.25].

Бундан ташқари, Туркия махсус кучларининг шаклланишида АҚШнинг Спешиал Форсэс, Британия САС, НАТО махсус операциялар қўмондонлиги ва бошқа халқаро шерикларнинг концептуал тажрибаси катта таъсир кўрсатган. Туркия бу тажрибани ўз шароитларига мослаштирган ҳолда миллий моделини шакллантиришга муваффақ бўлган[5].

Умуман олганда, Туркия махсус бўлинмаларининг замонавий ҳарбий тизимнинг ажралмас қисми сифатида ривожланганини, уларнинг институционал асослари, вазифалари ва таълим-тайёргарлик тизимлари аниқ доктринал асосга

эга эканини кўрсатди. Бу эса кейинги бобларда уларнинг жанговар тайёргарлиги, моддий-техник салоҳияти ва амалдаги имкониятларини таҳлил этиш учун мустаҳкам илмий базани яратади[2.225].

Туркия махсус кучлари халқаро стандартларга мос ва айрим ҳолатларда минтақавий афзалликка эга. SWOT таҳлил уларнинг кучли ва заиф томонлари, истиқболлари ва таҳдидларини аниқ очиб берди. Замонавий технологиялар интеграцияси ва НАТО миссияларидаги тажриба уларнинг стратегик аҳамиятини кучайтириб, келгусида жанговар салоҳиятини янада ривожлантириш имкониятини яратади[5].

Хулоса қилиб айтганда, Туркия махсус кучлари юқори тайёргарликка эга, замонавий технологиялардан самарали фойдаланади ва ички ҳамда минтақавий хавфсизлик миссияларини бажаришда энг муҳим инструмент ҳисобланади. Улар халқаро миқёсда ҳам тажриба алмашиш ва қиёсий таҳлиллар учун қимматли модел ҳисобланади. Мавзунинг илмий ва амалиёт жиҳатдан аҳамияти юксак бўлиб, келгусида ҳарбий фан ва хавфсизлик соҳасидаги тадқиқотлар учун асос яратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Uzdemir, H., Turkish Special Forces: Strategy and Operations, Ankara University Press, 2020.
2. Kirişci, K., Turkey's Security Challenges and NATO Integration, Middle East Policy Journal, 2019.
3. Altun, M., The Role of Turkish Special Operations Forces in Counterterrorism, Journal of Military Studies, 2021.
4. Global Security, Turkish Special Forces Overview, <https://www.globalsecurity.org/military/world/turkey/okk.htm>
5. United Nations, Peacekeeping Operations and National Special Forces Contribution, 2020.